

Journal of Social Research in Uzbekistan SJIF 2023: 6.831**JOURNAL OF SOCIAL RESEARCH IN UZBEKISTAN**

journal homepage:
<https://topjournals.uz/index.php/jsru>

**ANALYSIS OF CHOCH TOPOONYM IN WRITTEN AND ARCHAEOLOGICAL SOURCES**

Yakubjan K. Mukhamedov

senior lecturer (PhD)

National University of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan

E-mail: mukhamedov-2017@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: Chach, sak, Avesta, Sug'd, Yaksart, shak, Persipol, types, Bekhustun, Chayechasta, Chachanapch, Kultobe, stater, chach, chash, turquoise, Bei-shu, Sui-shu, Zhe-shi, Zhe-chje, se, Tashkent.

Received: 20.03.23

Accepted: 22.03.23

Published: 24.03.23

Abstract: In this article, based on the analysis of information given in the written and archeological sources on the toponym of Choch, the issues related to the etymology and toponymy of the name of the oasis are analyzed.

In the article, sources belonging to different periods, in particular Greek, Chinese, Persian, Arabic and other sources, along with information from archeological mainly numismatic materials, were considered. Also, the toponymic name of the oasis, its location, the socio-economic life of the population, and the opinions of the researchers were analyzed on a scientific basis.

ЁЗМА ВА АРХЕОЛОГИК МАНБАЛАРДА ЧОЧ ТОПОНИМИ ТАҲЛИЛИ

Яқубджан К. Мухамедов

китта ўқитувчи(PhD)

Ўзбекистон Миллий университети

Тошкент, Ўзбекистон

E-mail: mukhamedov-2017@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Чоч, сак, Авесто, Суғд, Яксарт, шак, Персипол, турлар, Бехустун, Чайечаста, Чачанапч, Култобе, статер, чач, чаш, ферузза, Бей-шу, Суй-шу, Чже-ши, Чже-чже, се, Тошкент.

Аннотация: Ушбу мақолада Чоч топоними бўйича берилган ёзма ва археология манбаларида келтирилган маълумотларни таҳлили асосида ёритилган бўлиб, воҳа номининг этимологияси ва топонимикаси билан боғлиқ масалалар таҳлил қилинган.

Мақолада турли даврга мансуб манбаларга хусусан Юнон, Хитой, форс, араб ва бошқа манбаларда келтирилган маълумотлар билан бирга археологик асосан

нумизматик материаллар асосида кўриб чиқилган. Шунингдек, тадиқотчилар томонидан илгари сурилган воҳанинг топонимик номи, жойлашган ўрни, аҳолининг ижтимоий иқтисодий ҳаёти, хақидаги фикр мулоҳазалари ҳам илмий асосда таҳлил қилинган.

АНАЛИЗ ТОПОНИМА ЧОЧ В ПИСЬМЕННЫХ И АРХЕОЛОГИЧЕСКИХ ИСТОЧНИКАХ

Якубджсан К. Мухамедов

старший преподаватель (PhD)

Национальный университет Узбекистана

Ташкент, Узбекистан

E-mail: [мукамедов-2017@mail.ru](mailto:mukhamedov-2017@mail.ru)

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Чач, сак, Авеста, Сугд, Яксарт, шак, Персипол, виды, Бехустун, Чаечаста, Чачанапч, Культобе, статер, чач, чаш, бирюза, Бей-шу, Суй-шу, Же-ши, Же-чже, с., Ташкент.

Аннотация: В данной статье на основе анализа сведений, приведенных в письменных и археологических источниках по топониму Чоч, анализируются вопросы, связанные с этимологией и топонимией названия оазиса.

В статье рассмотрены источники, относящиеся к разным периодам, в частности греческие, китайские, персидские, арабские и другие источники, наряду со сведениями из археологических преимущественно нумизматических материалов. Также на научной основе проанализировано топонимическое название оазиса, его местонахождение, социально-экономическая жизнь населения, мнения исследователей.

КИРИШ

Чоч воҳаси ўзининг қадимий тарихига эгадир. Ушбу худуд тарихини ўрганиш ва тадқиқ этиш, ҳозирги кундаги долзарб масалалардан биридир. Бу борада воҳа тарихи бўйича олиб борилаётган ишларнинг илмий самараси сифатида сўнгги йиллардаги илмий тадқиқотларни келтириб ўтиш мумкин. Зеро воҳанинг ўтмиши билан боғлиқ тарихий жарёнларни, айниқса унинг этиологиясини ёритиб бериш, ҳозирги кунга қадар мунозаралидир.

АСОСИЙ ҚИСМ

Тошкент воҳасининг қадимий номлари, аҳолисининг келиб чиқиши, худудий жойлашуви бўйича сўз борганида, ёзма ва археологик манбаларни алоҳида кўриб чиқиши ишнинг мазмун моҳиятини ташкил қиласи. Қуйида бу ҳақида батафсил маълумот бериб ўтамиз. Бу масалани тадқиқ этишда, ёзма манбларнинг аҳамияти каттадир. Жумладан, Илк ёзма манба ҳисобланган Авестода Чоч номини “муқаддас қўл – “Чайечаста” номи билан боғлиқ эканлиги келтирилиб ўтилса,(1), форс битикларида, Сирдарёнинг шимолида яшаган

қадимги халқлардан сакларни “сака хаомаварка” ёки “Суғд ортидаги саклар” номи билан боғлиқ эканлиги хақида маълумотни келтириб ўтишади(2). Персепол сарой девори битикларида уларни Яксарт (Сирдарё) ортида яшовчи қадимий халқларни саклар сифатида тилга олиб ўтишади. Ушбу маълумотлардан шу нарса маълум бўладики, баъзи олимлар Чочликларни келиб чиқишини аждодларини саклар эканлигини келтириб ўтадилар(3). Бу борада қадимги форс ва юонон манбаларида маълумотларга таянадиган бўлсак, Чоч воҳаси қадимда, хусусан, милоддан аввалги сўнгги мингийилликнинг охирги чорагида скиф (сак)ларнинг бир қисми яшайдиган ҳудуд бўлиб, Яксарт (Сирдарё) дарёси ҳавзасида жойлашган ўлкага тўғри келади.

Юқоридаги маълумотларга янада ойдинлик киритишда, антик даври муаллифларидан Геродотнинг “Тарих”, Гелланик ва бошқа муаллифларнинг асарларида келтирилган сак хаомваргаларни “амиргий саклари”(4). Плиний эса, форсийларга яқин яшовчи қабилаларни саклар номи билан бериб ўтади(5). Қадимги Эрон манбаларида ҳам шак (сак) этник номи учрайди(6). Эроншунос олим В.Абаев берган изоҳига кўра, саклар “Авесто”нинг “Яшт” қисмида тилга олинган турлар бўлиб, улар “Ўрта Осиё саклари”, “тез чопар отли турлар” ҳамда Данай (Сирдарё)нинг турлари эса “Сирдарё бўйи саклари” сифатида тилга олиб ўтилган(7). Ушбу маълумотга қўшимча сифатида антик давр муаллифлари Яксарт – Данай – Сирдарё кўчманчилари ва деҳқон жамоалари ўртасидаги чегара ҳисобланган. Бироқ, сак қабилалари Ўрта Осиёнинг ўтроқ ахолиси бўлган суғдийлар, бақтрийлар ва хоразмийлар билан турмуш тарзи ва маданиятлари анча яқин бўлган. Хатто, Беҳистун қоятош тасвиirlарида ҳам улар ўзаро ўхшаш ишланганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. И. Гершевич эса юқорида бериб ўтилган антик давр муаллифларини ва “Авесто”даги маълумотларни таҳлил қилиб солишириар экан, улуғ турлар муқаддас ичимликларни (хаума) тайёрлайдиган халқлар (авестода муқаддас кўл Чайечаста атрофида яшайдиган кўчманчи сак) эканлигига нисбат бериб ўтади. Тадқиқотчи муқаддас кўл жойлашган ерни бир томондан Орол билан иккинчи томондан эса Сирдарё ҳавзасидаги Чоч ва Тошкент воҳаси билан боғлиқ эканлигини эътироф этиб ўтади(8). Лекин, юқорида келтирилган маълумотлар ва тахминлар географик жиҳатдан ўзининг етарлича илмий асосини ва ечимини кутаётган масалалардан бири саналади.

Чоч ҳақидаги илк ёзма маълумотлар асосан Қанғ давлати ва ундан мустақил давлатлар ажralиб чиқиши даврига тўғри келади. Хусусан, “Чоч” атамаси дастлаб милодий II–III асрларга оид Чимкент яқинидаги Култўбе ёдгорлигидан топилган пишган ғишт устига ёзилган суғдий битикларда ва 262 йилга оид Сосоний подшоси Шопур I нинг «Кабайи Зардушт» битигида учрайди(9). Ушбу ёдгорликлардан аниқланишича, Чочнинг ҳудудлари Суғд ва “Чочистон тоғлари”га (Чоч воҳасининг шимоли-шарқий қисмларидағи тоғлар)ча бўлган ерлар кирган.

Канғ давлати доирасида ўзига хос ёзув маданияти бўлганлигини тасдиқловчи ашёлар – милодий III-IV асрларга тааллуқли суғдий ёзувли мис тангалар ва турли муҳрлар топилган. Култобе (Арис) ёдгорлигидан шу асрларга мансуб ясалган ёзувли лавҳада суғдий ёзувда “Чочликларнинг шаҳар барпо қилганлиги ва қўчманчиларни хирожга боғлаганлиги”(10) хақидаги жумлалар жой олганлиги дикқатга сазовордир. Ушбу келтирилган матнга кўра Чоч аҳолисининг ижтимоий – иқтисодий ҳаётда қандай ўрин эгаллаганлигига аниқлик киритиш имконини билдиради.. Тадқиқотчиларнинг фикрича, ушбу лавҳа шаҳар дарвозасининг пештоқига ўрнатилган бўлиб, шаҳар аҳолиси ва қўчманчилар бу жумлаларни ўқиб, ибрат олсин деган мақсад ифодаланган. Бундан шундай нарса маълум бўладики, Чочнинг ижтимоий сиёсий-маъмурий бошқаруви юксак даражада тараққий этганлигидан дарак бериб турибди. Шунингдек, Уралдаги Керчево қишлоғидан топилган III-IV асрларга оид идишда ҳам сўғдий ёзувда “Чоч халқига тегишли буюмлардан” деб битилган битикда чочлик хукмдорга тааллуқли бўлган буюмлар ўрин олганлиги хақидаги қайдлар учрайди. Хусусан, Сосоний хукмдори Хурмузд IV бошқарувининг 6-йили (584-585 йиллар)га оид кумуш драхмаларда “Чачаннапч” (Чоч халқи) атамаси учрайди. Демак, ушбу маълумотдан шу нарса аён бўладики, Сосонийлар бошқарув тизимида Чочликлар алоҳида ўринга эга бўлган. Шу ўринда яна бир маълумот Сосонийлар даврида оид кумуш буюмлардаги битиклардан бирини В.А. Лившиц *MY'R s''w c'c' nn' pc 3+3+320+10 styrk |xuv(u) Šāw čāčānnāfč šīsnū stērak|* «Хукмдор Шав, Чоч халқининг йўлбошчиси. (Салмоғи) – 39 статер» деб ўқииди(11). Шунингдек, VI-VIII асрларга мансуб Турк хоқонлиги даври тарихини тадқиқ этувчи воҳа хукмдорларининг суғдий ёзуви акс этган Чоч тангаларида ҳамда Қанқа шаҳри харобасидан топилган сопол идишдаги турк руний битигида ҳам “Чоч” атамаси учрайди(12).

Сосонийлар даври тарихи билан бевосита шуғилланган В. Луконин воҳа тарихини географик жиҳатдан, қуйидагича таҳлил қилган. Кашни Қашғар билан, Чочни эса Шош билан бир деб ҳисоблайди(13). Тадқиқотчи томонидан илгари сурилган худудлар қаторида Каш бу ўрта асрлар давридаги Кеш бўлиши ҳам мумкин, Шош эса фақат араблар даврида шу номни олган бўлиши мумкинлигини эътироф этиб ўтади(14). Шунингдек, Чочда тугилган ёки яшовчи киши хақида Моний матнларида(15) ҳамда IV асрга оид кумуш идишда битилган ёзувда унинг эгаси “чочлик Шав” эканлиги хақида ҳам маълумотлар келтирилган бўлиб(16), ушбу атамалар кўпгина европалик олимларнинг илмий тадқиқот ишларига асос бўлди.

Чоч воҳасининг ўзига хос жиҳати унинг номида ҳам кўзга ташланади. Қизиги шундаки, “Чоч” сўзи ҳам қадимги турклар тилида “феруза” деган маънода бўлган. Буни илк ўрта асрларга тааллуқли туркий ёзма ёдгорликларда “феруза, қимматбаҳо тош” маъносида “чач”, “чаш” сўzlари учраши ҳам тасдиқлаб турибди(17). Археолог олимларимиз эса Тошкент воҳасининг тоғларида қадимда феруза конлари бўлганлигини тасдиқлашган(18). Кейинчалик,

милоднинг илк асрларига келганда эса хитойликлар воҳани Чоч номига яқин шаклда Чже-ши, Чже-чже тарзида, яъни ўз тилларига ўтирмасдан қайд қилишган(19). Ниҳоят, милодий V асрга келиб, улар Тошкентни *Ши* “Тош” ёки *Ши-го* “Тош давлати мамлакати” тариқасида тилга ола бошлаганлар(20). Милоднинг XI асридан бери эса воҳа туркийча “Тошкент - Тош шаҳри” деб атала бошлади. Бу ном илк бор бобокалонларимиз Абу Райҳон Беруний ва Маҳмуд Кошғарий асарларида учрайди ва мазмуни худди шу маънода изоҳланади(21). Хуллас, ушбу номларнинг барчасида “тош” сўзи мужассамлашган. Буни қандай изоҳлаш мумкин, нега айнан воҳа “Тошкент - Тош шаҳри” деб атала бошлади?

Айрим мутахассислар фикрича, худди Европа ва Шарқнинг бир неча қадимий мамлакатларида бўлгани каби минтақамизда ҳам шаҳарларни нисбаси, ўзига хос фазилати билан аташ удуми бўлган. Бухорои Шариф - “шарофатли Бухоро”, Каши дилкаш - “дил тортар Кеш”, Ҳуқанди латиф - “латофатли Қўқон” каби Тошкент воҳаси ҳам жасур, матонатли, метин одамлар яшовчи ўлка сифатида “чоч”, “тош” деб номлангандир, эҳтимол. Хитой ва араб манбаларида воҳа аҳолиси ҳақида “метиндек”, “жасур ва жанговар” шаклида маълумотлар учраши ҳам бежиз бўлмаса керак(22).

Чоч номи тадқиқотлар давомида Чочда ҳамда қўшни хукмдорликлар ҳусусан, Суғдан топилган илк ўрта асрларга мансуб зарб қилинган нумизматик материаллардан ҳам кўпгина маълумотлар бериб ўтилган. Ҳусусан, ушбу тангаларни ўрганиш натижасида унда акс этган ёзувларда “хоқон ябғу пули” деган ёзув акс этган ёзувни қўриш мумкин. Ушбу маълумотларга кўра Чочнинг ярим мустақил хукмдорлик сифатида, Ғарбий хоқонлик даврида муҳим аҳамиятга эга худуд сифатида талқин қилиб ўтилади. Кейинчалик, бу мулк (Чоч) кўпгина минтақалар билан улар орасида айниқса Хитой билан савдо-иқтисодий алоқаларда асосий ўринга эга бўлган(23).

Чоч давлати ҳақида Хитой йилномаларида ҳам кўплаб эслатиб ўтилади, жумладан, Катта Хан сулоласи йилномасида Иоша (Сирдарё) дарёси бўйида Юни номли мулк бўлганлиги ҳамда унинг Кангюй ярим қўчманчи қабилалар итифоқининг бешта кичик мулкларидан бири эканлиг(24) ҳақида маълумотлар келтирилади(25). Империянинг ғарбий қўшнилар билан олиб борилган ўзаро алоқалари ва муносабатларининг умумий таърифи ва тавсифи ҳақида “Бей-шу”) яъни Шимолий сулолар тарихида Чоч номи Чжече шаклида ёзилганлигини қўриш мумкин. Тарихий йилномада империя элчисининг усунлар ҳукмдори билан учрашуви ҳақидаги маълумотлар келтирилади. Жумладан, 436 йилда усунлар ҳукмдори элчи Туан Юанюга ҳикоя қилишича “Полона (Фарғона) ва Чжече мулклари Юанъвей хонадонига вассал бўлишини хоҳлайди, аммо йўлларни билмаганлигидан афсусланади”(26). Шундан сўнг элчи тилга олинган ўлкаларга боради ва 437 йилда қайтиб келганида у билан биргалиқда 16 та мулкнинг элчиси ҳам бўлиб, улар орасида Чжече элчиси

ҳам тилга олинади(27). “Суй-шу” йилномасида эса Чоч Чжече билан бирга Ши номи остида ҳам тилга олиб ўтилиб, унинг ҳудуди, аҳолисининг таркиби, хўжалиги, моддий ва маънавий маданияти шунингдек Ши (Чоч) хукумдорининг маҳсус қароргоҳининг Иошада (Сирдарё) жойлашганлиги Хитой ва унинг атрофидаги қўшни вилоятлар билан ҳам ўзаро алоқалар олиб борганлиги тилга олиб ўтилган(28).

Чоч хукмдорлиги хақида батафсил маълумотлар Тан сулоласи йилномасида (“Тань-шу”) берилган маълумотлар ҳам диқатга сазовордир. Хусусан ушбу йилномада келтирилишича, Ши (Чоч) мулкининг ҳудудлари, дастлабки пойтахт Юни бўлганлиги кейинчалик Чжэ бўлганлиги эътироф этиб ўтилади, Иоша (Сирдарё) дарёси, кейинчалик эса, номининг ҳам ўзгариб борганлиги хусусида маълумотлар берилган бўлиб, муҳими, мулкнинг жанубий-шарқий қисмида бир катта тоғ борлиги ва ундан қимматбахо феруза (хитой манбаларида Сэ-сэ) тоши қазиб олиниши, ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилади(29). Хитой манбаларида Чоч номи этимология, сифатида бошқарув номининг ўзгарганлиги билан изоҳланиши ўз навбатида олимларни янада қизиқишининг ортишига сабаб бўлган. Хорижлик тадқиқотчи Э. Шаванн олиб борган илмий изланишлари натижасида бериб ўтилган манбаларни таҳлил қилиши натижасида Чоч номининг иероглификасида асосий урғуни “тош”га берилганлигини эътироф этиб ўтади. Хитой йилномаларда Чоч Қанғ сиёсатининг асосий давомчиси сифатида берилганлиги боис тадқиқотчи Пуллейбланк хунн матнларидағи “тош шаҳар”ни Қанғдез ёки Қанқа кўхна шаҳри билан қиёслаб ўтади. Пахлавий (форсий) адабиётларда кўп тилга олиб ўтилган деворлари тошдан бўлган қалъа тарзида тилга олиб ўтилади(30). Бу масала бўйича узоқ йиллар мобайнида археологик тадқиқотлар олиб борган Академик Ю.Ф. Буряков қадимги шаҳар ҳудудидаги қазиша жараёнларида хеч қандай тош деворлар, тош йўлаклар ва иншоотлар учрамаганлиги эътиборга олиб, Чочнинг номланишини феруза қазиб олинадиган конларга ишора тарзида “қимматбахо тош” маъносини англатишини талқин этади(31).

ХУЛОСА

Тадқиқотчилар мулк номи остида қимат баҳо тош этимологияси “сэ-сэ” борасида илмий изланишларни олиб борган Э. Шефер ушбу муаммо билан шуғулланиб Се-сени ярқирама чақноқ тош, ложувардга ўҳашаш унча тиник бўлмаган тўқ кўк тош деб изоҳлайди(32). Ф. Хирт ва Э. Шаванилар эса унинг феруза тоши“сэ-сэ” эканлигини таъкидлайди. Шу ўринда, бу маъдан қадимги Шарқ мамлакатларида “баҳт ва ғалабаларга ёрдам берувчи”(33) ҳамда “кўз тегишидан, ёвуз рухлар ғазабидан, турли заҳарли ҳашаротлар ва илон-чаёнлардан асрорчи тумор”(34) сифатида юқори қадрланганлигини айтиб ўтиш лозим. Хитойда уни юксак даражада қадрлаб “форс ярқирама тоши” деб аташган. Бу тош Чоч учун хос рамзий маънога эга бўлиб, пойтахтнинг жанубий-шарқидан катта миқдорда қазиб олинган. Чочдан эса бу

қиммабахо тошнинг Марказий Шарқий Осиёга олиб кетилишида асосий марказ вазифасини ўтаган. Сўнгти йилларда Чоч воҳасида олиб борилган археологик тадқиқотлар асосида ўрганилиши натижасида, Чочнинг жанубидаги Оҳангарон худудидан бир неча - Оқтепа, Гулдуран, Ферузакон каби унча катта бўлмаган ҳамда Унгурлисойнинг ўнг кирғоғидаги йирик қимматбахо тош (феруза) конлари аниқланди(35). Бу худудлардан эса Осиёнинг турли худудларга қимматбахо тошлар экспорт қилингандигини эътироф этиб ўтиш мумкин.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Авеста. Избранные гимны. Пер. И.М. Стеблин-Каменского. – Душанбе, 1990. – С. 119-120.
2. Шониёзов К. Қанғ давлати ва қанғлилар. – Тошкент. 1990. – **Б. 28-32.**
3. Литвинский Б. А. Саки, которые за Согдом // Труды АН ТаджССР. 1960. Т. СХХ. – С. 29-37
4. Геродот. История. В девяти книах / Перевод и примеч. Г.А. Стратановского. – Л.: Наука, 1972. – С.333.
5. Древние авторы о Средней Азии. –Ташкент, 1940. – С. 126.
6. Дандамаев М.А. Иран при первых Ахеменидах. – Москва, 1963. – С. 262-269
7. Абаев В.И. Скифский быт и реформа Зороастра. Соч. XXIV. 1956, 1957. – №1. – С. 44–45.
8. Gershevich J. An Iranistic view of some controversy. Memorial Jean de Menasce. Ed. Par Rh.Yingnjoy et a Tafasolli. Impaeimerie Orientaliste.-London, 1974.-P.54-55.
9. Камолиддин Ш. Чоч (Шош) топонимининг келиб чиқиши ҳақида // Moziydan sado. – Тошкент, 2009. – № 2. – Б. 18.
10. Sims-Williams, Grenet, 2006:95 – 111; Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар.2010. – Б. 5 – 10.
11. Лившиц В. А. Согдийская эпиграфика Средней Азии и Семиречья. – СПб.: Филологический факультет СПбГУ, 2008. – С. 307.
12. Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар ... – Б. 5 – 10
13. Луконин В.Г. Культура Сасанидского Ирана. – М., 1969. – С.125.
14. Луконин В.Г. Культура Сасанидского Ирана. – М., 1969. – С.126.
15. Henning W.B. Sogdiana. – London, 1940. – Р. 9.
16. Лившиц В.А., Луконин В.Г. Среднеперсидская и согдийским надписи на серебряных сосудах// ВДИ.1963. №3. – С.155 – 174.
17. Максудов Ф., Бабаяров Г. К этимологии топонима Чач // Столице Узбекистана Ташкенту 2200 лет. Труды международной научной конференции. – Т., 2009. – С. 199-205.

18. Буряков Ю.Ф. К истории раннесредневекового Чача // О‘zbekiston tarixi, № 3. – Ташкент, 2002. – С. 10-20.
19. Ходжаев А. Сведения о Ташкенте в китайских источниках периода средневековья // О‘zbekiston tarixi. – 2009. – № 4. – Б. 38–50.
20. Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар ... Б. 5
21. Абу Райхан Бируни. Собрание сведений для познания драгоценностей (Минерология). Перевод А.М. Беленицкого. М., 1963.С – 232; Абу Райхан Беруни. КанонMasъуда. Избранные произведение. Часть первая/ Перевод и примечания Розенфельда Б.А., Ахмедова А. – Ташкент, 1973. – С. 471.; Махмуд ал-Кāшгари. Дивān лугāт ат-Турк. Перевод, предисловие и комментарии З. – А.М. Аузовой. Индексы составлены Р. Эрмерсом. Алматы, 2005.ИІ. С – 164.
22. Бобоёров Ф. Чоч тарихидан лавҳалар ... Б. 6
23. Бабаяров Г. Чач в эпоху Тюркского Каганата (по нумизматическим данным) // Ўзбекистан тарихи моддий маданият ва ёзма манбаларда. Тошкент., 2005, С. 196 – 207.
24. Бичурин Н.Я (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. том.2. – М. – Л.,1950. – С.184.
25. Қадимги Ўрта Осиё тарихидан лавҳалар. –Тошкент. “Fan va texnologiya”, 2008. – Б. 50.
26. Бичурин Н.Я (Иакинф). Собрание сведений... том.2. – М. – Л.,1950. – С.242.
27. Боровкова Л.А. Запад Центральной Азии во II в. до н.э. – VIII в.н.э. – М., 1989. – С.133.
28. Бичурин Н.Я (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. том.2. – М. – Л.,1950. – С.272 – 273, 283.
29. Бичурин Н.Я (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. том.2. – М. – Л.,1950.– С.292 –300.
30. Penty A.A. The name of Tashkent// Central Asiatic Journal. Vol.XXI. № 304. – Viesbaden.1977. – Р. 193 – 197.
31. Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака V – начало XIII в. – М.,1973. – С.43 – 45.
32. Шефер Э. Золотые персики Самарканда. Книга о чужеземных диковинах в империи Тан. – М.,1981. – С. 305.
33. Беруни Абу Райхан. Собрание сведений для познания драгоценностей [Минерология]. Пер. и прим. Беленицкого А.М.. Л., 1963. – С. 158.

34. Семёнов А.А. Из области воззрений мусульман Средней Азии на качество и значение некоторых благородных камней и минералов// Мир Ислама. Вып. 1. СПб., 1912. №3, - С.298.
35. Буряков Ю.Ф. Горное дело и металлургия средневекового Илака V – начало XIII в. – М.,1973. – С.43 – 45.
36. Muhamedov, Y. (2022). SOME COMMENTS ON THE COVERAGE OF CHACH HISTORY BY FOREIGN RESEARCHERS. CURRENT RESEARCH JOURNAL OF HISTORY (2767-472X), 3(01), 26-29.
37. Muhamedov, Y. (2021, November). Chach As The Administrative Center Of The Western Khanate. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 75-79).